



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 129 (11.940)

Баҳоси эркин нарҳда



БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Қарор ва ижро

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҚЎЛЛАНМОҚДА

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси «Neo sun light» қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти базасида «Akfa Lighting» савдо белгиси остида «Энергия тежовчи лампалар ишлаб чиқаришни кенгайтириш» лойиҳасининг иккинчи босқичини амалга оширмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 июнда қабул қилинган энергия тежовчи лампалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва улардан фойдаланишга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш, харидор-гир маҳсулотларга бўлган ички талабни таъминлаш ва уларни хориж бозорларига чиқаришга кўмаклаша-

диган инновация лойиҳаларини жорий этиш учун кулай муҳит яратилган. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси тизимида Марказий Осиёда биринчи «Neo sun light» Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонасининг очилгани ҳам бунга ёрқин мисолдир.

Ушбу корхонада импорт ўрнини босувчи, энергия тежовчи ва ихчам спиралсимон люминесцент лампалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўтган йилнинг августида бу ерда 11, 15, 20 ва 25 ваттли энергия тежовчи лампалар ишлаб чиқариш ташкил этилган эди. Бу ерда 500 минг донадан зиёд лампа ишлаб чиқарилди.

Корхона маҳсулоти сифати бўйича хорижникидан қолишмайди. Ушбу лампаларнинг узоқ муддат хизмат қилиши, яъни тўхтовсиз 8000 соат ёниб туриши, ток кучланишининг ўйнаб туришига таъсирчанлигининг пастлиги ва одатдаги чўлланма лампаларга қараганда электр энергиясини кам сарфлаши унинг ўзига хос хусусиятларидир.

«Neo sun light» корхонаси ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайтирилиши замонавий технологиялар асосида импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни муваффақиятли ўзлаштиришга ёрқин мисолдир.

(Давоми 2-бетда)

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

ФАРОВОНЛИГИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши тобора ошмоқда. Хусусан, 1991 йилда унинг ялпи ички маҳсулот таркибидagi улуши бор-йўғи 1,5 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир ушбу кўрсаткич 52,5 фоизга етди.

Бу давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан жамиятимизда тадбиркорлик муҳитини қарор топтириш ва уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасида барча зарур шарт-шароитлар яратилгани самарасидир. Хусусий сектор нафақат ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, фаровонликка эришишнинг муҳим омилга айлангани юртимиз иқтисодиёти жадал ривожланаётгани, экспорт салоҳияти юксалаётгани, обод ва кўркам қиёфа касб этаётганида, халқимизнинг фаровон турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Ҳозир юртимизда фаолият юритаётган 471 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти минглаб турдаги маҳсулот ишлаб чиқариб, бозорларимиз тўқинлигини таъминлаш, давлатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга самарали ҳисса қўшмоқда. Энг муҳими, минг-минглаб юрдошларимиз ушбу тармоқда иш билан банд бўлиб, фаровон турмуш кечирмоқда. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам

кўриш мумкин: 2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган бўлса, унинг 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжалиқларига, 210 мингдан ортиғи касаначилик соҳасига тўғри келади.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда, — дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Шокир Саидов. — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида соҳа учун кенг имтиёз ва имкониятлар яратилаётгани тармоқнинг янада жадал ривожини таъминлашга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида янгидан ташкил этилган кичик корхоналар сони сезиларли даражада кўпайгани ҳамда ҳудудий дастурларга мувофиқ яратилган 219 минг иш ўрнининг 62,9 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келгани бунинг тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ОЛМАЗОР** туманидаги Мирзо Голиб маҳалласида Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб «Биз кимиз, кимнинг авлодларимиз?» мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбати Манавият тарғибот марказининг мазкур

туман бўлими ташаббуси билан ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Тошкент телеминорасида ўтказилган навбатдаги тадбир «Сайёҳлар муҳофазасини янада мустаҳкамлаш» мавзусига бағишланди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** тарихи Давлат музейида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Буюк ва муқаддас, мустақил Ватан!» шиори остида «Ранглар жилосида — она Ватан» мавзусида тасвирий санъат кўрик-танлови ўтказилди.

Ватанимиз истиқлолининг йигирма йиллик байрами олдидан бутун юртимиз бўйлаб «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида ўтказилаётган анжуманларда Ўзбекистоннинг бугунги юксак салоҳияти, халқимиз эришган ютуқлар, қўлга киритилган марралар ёрқин мисоллар асосида ва ҳаётий тарзда халқимизга етказилмоқда.

ВАТАНГА МУҲАББАТ — МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтган «Қуролли кучлар тизимида баркамол шахс тарбияси: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги анжуманда ҳам бу жиҳатлар ўз ифодасини топди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилган ислохотлар самарасида миллий армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатига айланганини таъкидлади. Бу борада ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини оширишга катта эътибор қаратилиб, сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий билим юртлири ташкил этилгани, уларда юксак маънавий-ахлоқий ва етакчилик фазилатларига эга, интеллектуал салоҳияти юқори ҳарбийлар тарбияланаётгани ўз самараларини бераётди.

Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгилангани, қақирувнинг бир йилда бир марта, танлов асосида ташкил этилаётгани, сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий этилгани армиямизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирди. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий шаҳарчалар қуриш ва уларни реконструкция қилиш, ҳарбийларга малякали тиббий хизмат кўрсатиш борасида комплекс дастурларнинг изчил ижро этилиши уларнинг ижтимоий-маънавий шароитини яхшилаш имконини бермоқда.

Бугунги кунда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш юртимиз ўғлонлари учун, том маънода, шарафли ва эзгу ишга айланди. Ҳарбий хизмат ёшларимизни жисмонан ва маънаван чиниқтириш билан бирга, уларнинг қалби ва онгида ватанпарварлик, фидойилик, Ватани ва халқига садоқат каби фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилмоқда.

Анжуманда ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлиги, интеллектуал салоҳияти ва маънавий етуқлигини таъминлаш, «оммавий маданият»нинг ёшлар қалби ва онига салбий таъсирининг олдини олиш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

МАМЛАКАТИМИЗДА

• «Бухоро» халқаро аэропорти «Аэропорт» фуқаро авиация ассоциациясининг «Бутун эътибор — йўловчига» шиори остида ўтказилган навбатдаги анжуманида «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг энг яхши аэропорти» номинацияси бўйича голиб деб эътироф этилди.

• Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйи арафасида Чирчиқ шаҳрида замонавий аквапарк қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳиндистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ўзига хос замонавий ечим асосида бунёд этилган мажмуа ҳудудидан бешта чўмилиш ҳавзаси, ўндан ортиқ айланма сув йўли, аттракционлар, боғ ҳамда хиёбонлар жой олган.

• Самарқанд педагогика коллежида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ҳаваскор санъат ва фольклор дасталари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Барҳайит анъаналар» фольклор фестивал-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча ҳудудларидан қўйи босқичларда голиб чиққан ўнта фольклор жамоаси иштирок этди.

• Термиз шаҳридаги «Акбар Салох Ором» масъулияти чекланган жамиятида банкнинг 90 миллион сўмлик кредити эвазига мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозир корхонада ҳар ойда замонавий дастгоҳлар ёрдамида сифати ва дизайни жиҳатидан хорижникидан қолишмайдиган 35 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, ҳудуддаги савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

• Осиё футбол конфедерацияси делегацияси Ўзбекистон чемпионати олий лигасида қатнашаётган барча 14 та клубларда ишнинг қандай йўлга қўйилганлиги билан танишди.

• Навоий шаҳрининг Халқлар дўстлиги ва меъморлар кўчалари чорраҳасида «Турон маркет» замонавий савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди.

ЖАҲОНДА

• Хорватиянинг Европа Иттифоқига кириши борасидаги олти йиллик музокаралар якунига кўра, мамлакат 2013 йилнинг 1 июлидан расмий равишда иттифоқнинг 28-аъзоси бўлиши эълон қилинди.

• Таиландда бўлиб ўтган парламент сайловлари натижалари ҳисоб-китоб қилинганидан сўнг мамлакатни илк бор бош вазир сифатида аёл киши — Е.Чинаватнинг бошқариши маълум бўлди.

• Кеча Мисрни Исроил билан боғловчи газ ўтказгичнинг бўғинларидан бирида портлаш рўй берди.

• Афғонистонда йўловчиларни олиб кетаётган автобус портлатиб юборилди. Воқеа мамлакатнинг жануби-ғарбида жойлашган Нимроз музофотида юз берди. Террорчилик ҳаракати натижасида 20 нафар йўловчи ҳаётдан кўз юмган.

• Хитойда денгиз устида бунёд этилган дунёдаги энг узун кўприк фойдаланишга топширилди. Шаньдун музофотидаги Цзяочжоу кўрфазида қурилган мазкур иншоотнинг узунлиги 36,48 километрни ташкил этади. Циндао шаҳрини Хуандао тумани билан боғлайдиган ушбу лойиҳани амалга ошириш 2007 йилда бошланган бўлиб, бунинг учун 2,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди.

• Чилидаги Пуйеуэй вулкони фаоллашгани боис ундан чиқаётган чанг ва тутунли булут Янги Зеландиягача етиб бориб, аэропортларда барча парвозлар тўхтатилди.

• Сўнги маълумотларга кўра Японияда рўй берган кучли zilзила оқибатида қўрилган иқтисодий зарар миқдори мамлакат ҳукумати томонидан тахминан 210 миллиард долларга баҳоланди.

• Сахалиннинг бешта туманида фавқулодда ёнғин хавфи режими жорий этилди.

• Италия шимолида рўй берган тўқнашувлар чоғида 200 дан ортиқ полициячилар яраланди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 12 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори хусусий бизнесни ривожлантириш борасида янги, янада кенг имкониятлар очмоқда. Мазкур қарор билан тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш учун қўшимча қўлай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш ва харажатларини камайтириш бўйича қатор янгиликлар жорий этилди.

Бундан ўн йил муқаддам кичик корхонани рўйхатдан ўтказиш учун 7 идорага мурожаат қилиш ва қирққа яқин ҳужжатни тақдим этиш талаб қилинарди. Тадбиркор ҳали иш бошлаганмасдан туриб, ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни рўйхатдан ўтказишдан бошлаб қанча вақт йўқотишга, кўплаб сарф-харажатлар қилишга мажбур бўларди.

Бугунги кунда эса юртимизда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг энг қисқа ва соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Бунга қўйиб билан икки иш куни жети, холос. Давлатимиз раҳбарининг номи қайд этилган қарори асосида тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказишда қўшимча имтиёزلар яратилди. Хусусан, кичик корхоналарга солиқ, божхона тўловлари бўйича энгилликлар берилди, айрим нотариал чиқимлар бекор қилинди. Тақдим этиладиган ҳисоботлар сони ҳам кескин камайтирилди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишга доир қонунчиликка қатъий риоя этилишини таъминлаш доимий эътиборда. Бу борада адлия идоралари томонидан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи инспекциялар фаолияти доимий равишда ўрганилмоқда. Аниқланган қонунбузилишлар ўз вақтида бартараф этилади.

Ҳаётимизда тадбиркорликнинг ривожини, бу соҳага эътибор тора қўйиштириладигани қандай самаралар бераётганини бугун ҳар бир юртимизда яқин аниқлади. Аммо фаолияти бу масалага дахлдор айрим масъул шахсларнинг ўз вазифасига ҳамон панжа орасидан қараётгани кишини таажубга солади. Жорий йилнинг дастлабки чоғида тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш жараёнида тўрт юзга яқин қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилгани бунинг исботидир.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли идора ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ҳуқуқшунослар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги босма оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этиди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директорлари А.Абдуллаев ва бошқалар Президентини

Поштаимизда «Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва вазибалари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ

Ислам Каримов раҳнамолигида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида илмийлик билан амалга оширилаётган ислохотларда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг ижодий салоҳияти ва имкониятларини юзага чиқариш устувор йўналиш сифатида белгиланганини таъкидладилар.

Юртимизда суд-ҳуқуқ тизими жадал ислоҳ этилаётгани, фуқаролик жамияти институти-

Тегиришларни ўтказишнинг қатъий тартиби яратилгани тадбиркор эркинлигининг муҳим кафолатидир. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 4 апрелда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини тегиришларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизimini такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида тегиришлар янада қисқартирилди.

Айни вақтда тадбиркорлар манфаатини ҳар жиҳатдан ҳимоялаш механизми ҳам яратилдики, бу ноқонуний тегиришларга тўбора барҳам бермоқда. Хозир тадбиркорларда «Тегиришларни рўйхатга олиш китоби», «Тегиришларнинг режа-жадвали» мавзуд. Улар учун «Ишонч телефони»



Жиззах вилоятида эса Арнасой туманидаги чорвачилик фермер хўжаликлари га фақат «Мирзамахмуд ММ» гўштини қайта ишлаш корхонаси билан шартнома тузиш мажбурийати юклатилган. Ҳолбуки, тадбиркорга ноқонуний мажбурият юклагани, унинг қонунада кафолатланган эркинлигини чеклашга ҳеч қандай ҳаққи йўқ.

Адлия идоралари томонидан бундай ҳолатлар ўз вақтида бартараф этилмоқда. Жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ноқонуний қарорларини бекор қилиш бўйича киритилган тақдимнома ва даъво аризаларига асосан жами 169 ноқонуний қарор бекор қилинди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қўрилган таъсир чоралари натижа-сида 742 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 45 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Тадбиркорлар билан ўтказилаётган очик мулоқотлар, уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот ишлари ўз самарасини бермоқда. Наманган вилоятининг Мингбулок туманида ўтказилган учрашувда «Аксом Элдор сервис» хусусий корхонаси раҳбари А.Шойназаров савдо дўқони куриш учун ер майдони ажратилаётганлигини билдирган эди. Тадбиркорнинг муаммоси тез кунда ҳал этилди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда хусусий мулк ҳимоясини мустаҳкамлаш, хусусий мулкдорлар қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкларини дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизими яратилган.

Норгул АБДУРАИМОВА

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҚўЛЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Neo sun light» кўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти директорининг ўринбосари Жаҳур Қосимовнинг айтишича, корхона йилига 7 миллион дона энергия тежовчи лампа ва саккиз турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Прогноз кўрсаткичларга кўра, 2011 йил якунлари бўйича лампа ишлаб чиқариш ҳажми 3 миллион донани ташкил этади.

Бугунги кунда «Neo sun light» кўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти поштаимизнинг Олмазор туманидаги, вақтинча фаолият кўрсатмаётган «Орзу» масъулияти чекланган жамияти худудига жойлашган ишлаб чиқариш майдонларини ўз таркибида бириштириди. Бу ерда бинолар капитал таъмирланиб, муҳандислик коммуникациялари, жумладан, сув таъминоти, каналлация, электр ва газ таъминоти тизимлари реконструкция ҳамда модернизация қилинди.

Корхонада 350 киши иш билан таъминланди, уларнинг аксарияти касб-хунар коллежлари битирувчиларидир. Бу ерда улар учун барча зарур маиший шарт-шароитлар яратилган.

«Neo sun light» кўшма корхонасида ишлаб чиқаришнинг санитария, экология ва бошқа мезонларига жавоб берадиган, хавфсизлиги ҳамда атмосферага зарарли моддалар чиқармайдиган замонавий услуб ва технологиялар қўлланоқда. Ишлаб чиқариш жараёнида одамлар ҳаёти ва саломатлигига хавф солмайдиган, зарар етказиш хавфи ниҳоятда кам бўлган хомашё ва материаллардан фойдаланилмоқда.

Бугунги кунда «Neo sun light» кўшма корхонаси масъулияти чекланган жамиятида энергия тежовчи лампаларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. 2011 йилда маҳаллийлаштириш даражасини камида 32 фоизга етказиш режалаштирилмоқда.

М.МАМЕТОВА, ЎЗА муҳбири

Иқтисодиёт

РАҚОБАТБАРДОШ МЕБЕЛЛАР

Бугунги кунда юртимиз мебелсозлари эришаётган ютуқларни харидорларимиз талабини қондираётган сифатли ва кўркем мебел маҳсулотлари яққол исботлаб турибди.

«Tus Buero» кўшма корхонаси ҳам ана шундай ишлаб чиқарилаётган мебеллари билан бозорда ўрин топаган жамоалар сирасидан бўлиб, ўз фаолиятини 1998 йилда бошлаган. Бу ерда Европа стандартларига тўла жавоб берувчи замонавий офис мебеллари тайёрланади. Ишлаб чиқарилаётган барча товарлар сертификатланган.

Сифатли ва ишончли мебел маҳсулотларига талаб юқорилаб бораётганини ҳисобга олган тадбиркорлар ўз товарлари турларини кўпайтирмоқда. Янги-янги лойиҳаларни амалга оширмоқда. Ўтган йилда ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган рақобатбардош мебел турлари — стол, стул ва тумбочкалар ана шулар жумласига кирди.

— Дастгоҳларни Италия ҳамда Германиядан келтириб ўрнатганмиз, — дейди корхона бош директори Александр Муригин. — Мебелларимизни немис технологияси асосида тайёрлаймиз. Айни пайтда жамоамизда 42 нафар малакали мебелсоз меҳнат қилиб, улар ҳар бир буюртмани сифатли даражада бажариб бера олади. Корхонамизда халқаро сифат менежменти тизимининг ISO 9001-2008 стандарти жорий этилган.

Маҳсулот тайёрлашда экологик хавфсиз бўлган ламинатланган ДСП, МДФдан, ПВХ пластикларидан фойдаланилади. Фурнитура ва темир анжомлар эса Бельгия, Польша ҳамда Германиядан келтирилади. Шунинг билан таъкидлаш лозимки, мебелсозлар мамлакатимиздаги жуда кўплаб йирик корхона, ташкилот, муассасаларнинг буюртмаларини муваффақият-ли уддалашмоқда. Шу боис ҳам тайёрланаётган мебел турларига талаб ортиб бормоқда.

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСМОҚДА

Металл маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, бу борада муваффақият қозонаётган, янги товарлар билан ички бозорда ўрин эгаллаган «Меҳнат Ҳалол» шўба корхонаси тадбиркорлари суръатни бўшаштирмапти.

Корхонада бунёдкорлик ишларида керакли бўлган металл қувурлар, тўлқинли томёқичлар, пайвандлаш электродлари, қуришчи михлари ва бошқа маҳсулотлар тайёрланмоқда. Қисқа давр ичида маҳсулотларга талабнинг ортиб бориши ишлаб чиқаришни кенгайтиришни тақозо этди ва кўшимча иш ўринлари яратилди. Бугунга келиб корхонада 86 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда ва улар учун қўлай меҳнат шарт-шароитлари яратилган.

Тадбиркорлар жорий йилда томёқичлар тайёрлашда керакли профнастилларни ўзлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Хитойдан янги технология жижҳозлар келтиришмоқда. Мазкур дастгоҳларнинг ишга тушиши натижасида маҳсулот турлари кўпаяди. Ушбу лойиҳани йил охиригача амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

ҚАТОР

АФЗАЛЛИКЛАРГА ЭГА

Замонавий технологияларни муваффақиятли қўллаган ҳолда «Ideal Nur Plast» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган пластик қувур ва полиэтилен пленкалар сифати билан харидоргирдир.

Маҳсулотларни тайёрлашда «Шўртангаз» кимё мажмуаси билан ҳамкорлик асосида юқори сифатли хом ашёдан фойдаланилаётганлиги яқин самара берапти. Ишлаб чиқарилаётган пластик қувурларнинг диаметри 16 миллиметрдан 800 миллиметргачани ташкил этиб, улардан иссиқ ва совуқ сув, газ таъминоти, каналлация тармоқларида фойдаланилмоқда. Фермер хўжаликларида томчилатиб суғориш тизимларида ҳам мазкур маҳсулот кўл келади. Айтиш жоизки, 50 йиллик хизмат кўрсатиши кафолатланган пластик қувурлар қатор афзалликларга ҳам эга. Улар чиримайди, ичи қурум босмайди, энгил ва ўрна-тишга қўлай.

Тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган турли ҳажм ва қалинликдаги полиэтилен пленкалардан халқ хўжалигининг турли тармоқларида фойдаланилади. Айниқса, мазкур маҳсулот қишлоқ хўжалик ходимларига қўл кел-моқда.

Буюртмачиларга қўлайлиқни назарда тутган жамоа ахли ўз маҳсулотларини талаблардан келиб чиққан ҳолда ўрнатиб ҳам беради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида имкониятлардан фойдаланилиб, диаметри 1200 миллиметр бўлган пластик қувурлар тайёрланади. Бунинг учун албатта, янги хорижий технологик линия ўрнатиш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган.

Шарофат БАХРОМОВА

Содир этилган жиноятни фож этиш борасида аниқликларни киритиш, томчи қон ёхуд биргина соч толасидан бутун бир жиноят очилиб, айбланувчиларга ҳаққоний ҳукм чиқарилишида суд экспертизасининг аҳамияти катта. Шу боис ҳам бугунги кунда Хадича Сулаймонова номидаги республика суд экспертиза маркази томонидан амалга оширилаётган ишларнинг ҳам ҳаётимизда ўз ўрни бор.

Анжуманлар

САМАРАЛИ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР

Соҳада эришилаётган ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш, марказнинг келажак режалари хусусида сўз юритиш мақсадида «Суд экспертизаси: кеча, бугун, эртага» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда адлия соҳасида фаолият юритувчи ходимлар, ОАВ вакиллари иштирок этиди.

Тадбирда айтиб ўтилганидек, тадқиқотларни олиб боруви муассасалар орасида кўпчиликининг эътирофига кўра, Адлия вазирлиги қошидаги Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази етакчи ўринни эгаллайди.

Айтиш керакки, мустақиллик йилларида турли идоралар суд экспертизаси хизматларининг ташкилий тузилиши такомиллаштириб, замонавий илмий-техника базаси яратилди. Мамлакатимизда етакчи суд экспертизаси муассасаси ҳисобланган ушбу марказ ҳам энг илғор техник воситалар билан жиҳозланди. Бу ерда криминаликтик, ноанъанавий материалшунослик, иқтисодий, фонографияк, техник муҳандислик, генетик ва бошқа турдаги мураккаб тадқиқотларни бажариш учун бар-

ча шароитлар яратилди. Суд экспертиза марказида Маркази Осиёда биринчи бўлиб одам ДНКси суд-биологик экспертизасини ўтказиш лабораторияси ташкил қилинди. Унинг бош идораси ҳамда вилоятлардаги саккизта бўлиналарида 54 та йўналиш бўйича таҳлиллар амалга оширилади. Суд экспертизасининг долзарб назарий ва амалий масалалари юзасидан илмий изланишлар олиб борилиб, қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли ишлар бажарилмоқда.

— Марказ томонидан ашёвий далилларнинг тўғри таҳлил этилиши, содир қилинган жиноятнинг тезкор фож этилиши ва адолатли ҳукм чиқаришда муҳим аҳамият касб этди, — дейди марказ раҳбари Саттор Отахўжаев. — Экспертлик фаолиятлари билан бир қаторда марказда дастхат ва имзолар, шунингдек, ҳужжатлар материалларини ва реквизитларини тадқиқ қилишнинг янги услублари ўзлаштирилиб, уларни амалиётга таъбиқ этиш борасида ўзига хос ютуқларга эришилаётир. Муаллифлар жамоаси томони-

дан тадқиқотларнинг янги услублари тузилди. Қолаверса, жиноят содир этилишига олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган тавсиялар, кримноген ҳолатни соғломлаштириш, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимояланидиган манфаатларига нисбатан таъжовубнинг олдини олишга қаратилган қатор услубий қўланмалар ишлаб чиқилди.

Дарҳақиқат, Тошкент илмий-тадқиқот криминалистика лабораторияси асосида Маркази Осиёда биринчи Тошкент суд экспертиза илмий-тадқиқот институтининг ташкил қилиниши мамлакатимизда ушбу тизимни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

Анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимизда суд экспертизасининг ташкил этилиши тарихи ҳақида тўхталиб, соҳа олдида турган вазибалар, юртимизда уни ривожлантиришнинг истиқболдаги йўналишлари ҳақида фикр-мулохазалар билдиришди.

Шунингдек, «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг суд ишларини юритиш турларидан қатъий назар демократик принципларга асосланган суд-экспертлик фаолиятини тартибга солуви умумий нормалари ҳақида батафсил маълумотлар беришди. Тадбир сўнгида журналистлар ўзларини кизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Садоқат АСЛАНОВА



Тобора яқинлашиб келаётган Энг улуғ, энг азиз байрам — мамлакатимиз Мустақиллигининг йигирма йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида Агросаноат мажмуаси ходимлари касабга уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан корхоналарда, ташкилотларда, ўқув муассасаларида турли хил тадбирлар ўтказиш режаси ишлаб чиқилган.

САЛОМАТЛИК СПАРТАКИАДАСИ ҚИЗГИН ЎТДИ

Шунга кўра жорий йил бошидан Мустақиллик айёмига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт инсонларнинг соғлом турмуш тарзига амал қилишларида ҳамда жисмонан бақувват бўлишларида муҳим омил эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис ҳам Агросаноат мажмуаси ходимлари касабга уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан касабга уюшмалари бошланғич ташкилотлари раислари ҳамда аъзолари ўртасида «Саломатлик» спартакиадаси ташкил этилди. Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида спартакиаданинг 1-

2 босқичи бўлиб ўтди. Унда иштирок этганлар спортнинг шашка, дартс турлари, «Алломиш», «Барчиной» мусобақаларида ўзаро куч синашишди. Спартакиаданинг 3-4 босқич мусобақалари «Чорвоқ» сув ҳавзаси ҳудудида жойлашган «Зумрад — сервис» номли дам олиш оромгоҳида уюштирилиб, шаҳар биринчилиги голиблари совринлар, эсдалик совгалари билан тақдирланди. Шаҳар кенгаши тасарруфидаги «Конструктор» ва «Фунча» оромгоҳларида ҳам мустақиллик айёми муносиби нишонлашга тайёргарлик кўриш режаси ишлаб чиқилган. «Фунча» оромгоҳида дам олаётган болажонлар иштирокида Истиқ-

лол айёмига бағишлаб «Ўзбекистон куни» ва «Менинг жонажон Ватаним» шiori остида экологик тадбир уюштирилди. Шунингдек, ҳар куни болажонлар спортнинг футбол, волейбол, енгил атлетика, шашка, шахмат турлари бўйича ўтказилаётган мусобақаларда ўзаро куч синашишмоқда. «Конструктор» оромгоҳида кино ва эстрада санъати юлдузлари Азиз Рамаев, Алишер Узоқов, Шаҳзода Матчоновна, Али Ниезметов, Гулнора Қосимова иштирокида «Мустақиллик — менинг тақдиримда» мавзуида бўлиб ўтган тадбирда санъаткорлар Истиқлолнинг аҳамияти ҳақида болажонларга сўзлаб беришди. Шунингдек, мазкур дам олиш масканида ўтказилган «Маънавият дақиқаси» мав-

зуидаги дастур доирасида ташкил этилган давра суҳбатида Истиқлол даврида барпо этилган обидалар, кошоналар, бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз борди, шахидлар хотираси ёдга олинди, маънавиятни янада бойитишнинг усуллари муҳокама этилди.

Дарвоқе, биз юқорида тилга олган оромгоҳларда бадиий-илмий адабиётлар ҳамда плакатлар билан бойитилган кутубхоналар фаолият юритаётганлиги кувонарли ҳол. Оромгоҳлар тарбияланувчиларига деярли ҳар куни мамлакатимиз тараққиётига бағишланган видео-дисклар намойиш этилмоқда.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ, Инобат КОМИЛОВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

МУАЛЛИМ ВА МАОРИФ ҲАҚИДА

Муаллим — маънавий нуқсонсиз одамдир.

Талаба қалбига йўл топиш — маҳоратдир.

Эл гоёсини — маориф мустаҳкамлайди.

Жамиятнинг мазмуни — маорифга боғлиқ.

Маорифсизлик — ваҳшийликдир.

Ўқитувчининг муҳитга таъсири унинг фаолиятига боғлиқ.

Ўқитувчининг меҳнати — сув музни авайлаб бошига кўтариб, аста-секин эритишига ўхшайди.

Яхши ўқитувчи талабасининг кўлидан ушлаб, паст-баландликлардан олиб ўтади.

Фан чўққиларига интилган талаба — ўз ўқитувчисини албатта эъзозлайди.

Муаллимнинг умри хато тузатиш билан ўтади, шунинг учун ҳам у хато қилмаслиги керак.

Ўқитувчининг меҳри — ҳар қандай қаҳрдан устун.

Ўқитувчининг меҳри иситади, қаҳри — жунжитади.

Муаллимнинг билимдан ҳам тадбири кўп.

Устознинг умри мангу, чунки шогирдлари унга уланадилар.

Яхши устоз — номарддан ҳам мард ясайди.

Одобли болани ҳамма яхши кўради, ўқитувчи эса одобсизни ҳам меҳри билан яхшилар қаторига кўшади.

Барча билан тил топишиш — маҳоратдир.

Тарбиячиликка — истеъдод, меҳнат-севарлик ва билим керак.

Яхши ўқитувчи ёмонлик билан асло чиқиша олмайди.

Миллатни миллат қиладиган — ўз маорифидир.

(Давоми бор)

Спорт янгилклари

Жанубий Кореяда каратэнинг Бутунжаҳон каратэ федерацияси (WKF) йўналиши бўйича ўтказилган VII Корея очик чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари уч олтин, бир кумуш, икки бронза медални кўлга киритди.

КАРАТЭЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Нуфузли мусобақанинг голиб ва совриндорларини Тошкент халқаро аэропортида спортчиларнинг ота-оналари, мухлислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кутиб олди. Мамлакатимизда спортнинг яққолаш турлари жадал ривожланиб, халқаро турнирлар ва қитъа чемпионатларида муваффақият қозонаётган ёшларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Жанубий Кореянинг Пусан шаҳри мезбонлик қилган мазкур мусобақа спортчиларимиз учун жорий йилнинг июль ойида Хитойда бўлиб ўтаётган Осиё чемпионатида муҳим тайёргарлик босқичини ўтади. Ун олти давлатдан 500 нафарга яқин

спортчи иштирок этган мазкур мусобақанинг кумитэ — яккама-якка беллашув баҳсида Муҳаммадали Раҳматуллаев ва Абдулла Расуллов ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шохсунанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ҳамюртларимиздан Достон Тоштемиров кумуш, Раҳимбек Бекжон-Зариф эса бронза медални кўлга киритди. Мусобақанинг ката — комплекс машқ бажариш баҳсларида еш каратэчиларимиздан Абубакир Садриддинов олтин медални кўлга киритган бўлса, Тоҳирбек Исаралиев бронза медал билан тақдирланди.

Байрам АЙТМУРОДОВ, УзА мухбири

ЖИДДИЙ СИНОВ АРАФАСИДА

«Лондон — 2012» йўлланмаси учун саралаш турнирининг дастлабки босқичида гонконглик футболчиларни енга олган Ўзбекистон олимпия терма жамоасини янада жиддийроқ учрашувлар кутиб турибди.

Гап шундаки, Лондон Олимпиадаси йўлларининг иккинчи босқичи якунига етгач, гуруҳ йўлларини яқинлаштириб, ҳар куни болажонлар спортнинг футбол, волейбол, енгил атлетика, шашка, шахмат турлари бўйича ўтказилаётган мусобақаларда ўзаро куч синашишмоқда. «Конструктор» оромгоҳида кино ва эстрада санъати юлдузлари Азиз Рамаев, Алишер Узоқов, Шаҳзода Матчоновна, Али Ниезметов, Гулнора Қосимова иштирокида «Мустақиллик — менинг тақдиримда» мавзуида бўлиб ўтган тадбирда санъаткорлар Истиқлолнинг аҳамияти ҳақида болажонларга сўзлаб беришди. Шунингдек, мазкур дам олиш масканида ўтказилган «Маънавият дақиқаси» мав-

ягона омадли жамоанинг номи ни аниқлаб беришди. Унда Осиё ва Африка вакили 0,5 ўрин учун майдонга тушади.

Бир неча кун юртимизда Озарбойжон ёшлар терма жамоаси футболчилари ўқув-йиғини машғулотларида иштирок этганлигидан мухлисларнинг хабари бор, албатта.

ЁШЛАР ЯНА ЗАФАР ҚУЧИШДИ

Маълумки, куз фаслида ёшлар ўртасида уюштирилаётган Осиё чемпионатида саралаш турнири бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли турнирда тайёргарлик кўраётган 20 ёшгача бўлган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси озарбойжонлик тенгқурлари билан Тошкентда куч синашиб 3:1 ҳисобида ғалаба қозонишган эди. Куни кеча Озарбойжон — Ўзбекистон ёшлар терма жамоалари Янгйер шаҳрида иккинчи марта куч синашишди. Мурсосиз ва кескин курашлар остида кечган иккинчи беллашувда ҳам юртдошларимизнинг кўли баланд келди. Баҳс 4:2 ҳисобида ҳамюртларимиз ғалабаси билан яқунланди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



КАФТДАГИ ЧАНДИК

...Нонларни стол устига ёйдим. Хозиргина тандирдан чиққан. Бўрсилдоқ.

— Ёпганнинг кўли дард кўрмасин, лоладек қулиб турган нонларга бувимнинг ҳаваси келди. Биргина нонга қолганда эса...

— Новвой тушмагур оғоҳ бўлиб турса нон куймасмиди, — дейди бувим ўша биргина ноннинг куйган жойини силаб. — Деҳқон меҳнатини бекадр қилиш яхшимас. Тўғрими, Ҳамиджон?!

— Бўлмасам-чи. Агар биз нонни увол қилсак катталардан гап эшитамиз. Тунов куни данакдек нон бўлагини билмай чиқиндига қўшиб юборган эканман, муаллим: «Кўр бўласан, бунни дарров ол», деб қулогимни чўзиб турибди тепамада. Шолғом бўлиб кетди қулогим. Нонни куйдирган новвой ҳам гуноҳкор бўлса, нега унинг қулогини чўзиб қўйишмайди?!

— Ким нонга бефарқ қараса ўзига қийин, болам. — Шу дам бувим хўрсиниб кафтидаги чандикка

боқади. — Бу ўша машъум зилзиладан эсдалик. Нон деб куйманганимдан эсдалик. Ўшанда мен нонни куйдирмадим. Майли бунга розиман. Ноним куймади. Минг қатра шукр, иймоним саломат...

Кафтларидаги чандик боисини ўзларидан эшитганман. «Тандирга ёпилган кулчалар чўғ тафтини таллашиб кўпчирди. Тезлаб окмасин, деб бувим кулчаларга сув пурқаркан, бирдан ер гумбирлаб, силкинади.

Ҳамма ёқ қий-чув. Тўс-тўполон. Бувимнинг силкинши қайтишини куттишга вақти зиқ. Олов нонни куйдириб, юзига қора суркаши мумкин. Қизарган нонларни уза бошлаганида силкинши қайтиши оғирроқ ўтади. Тандир девори тарс-тарс ёрилади. Бувим тандирни кучоқлаб нон узади. Ҳар узганда гапи шу: «ризқим куймасин-ей, уволли ёмон». Тутаб ёнаётган енглик ичра кафтлари куйди-ю, зилзила нонни куйдира олмади.

Шуларни ўйлаб бувимга қойил қоламан.

— Ўша долғали кундаям нон увол бўлмасин деб жонингизни аямап-

Қатралар

сиз-а, — сиражин юзларига тикилиб қоламан, хозиргилар эса...

— Шунисига ачинаман-да, болам. Кичикни-кичик десак, баъзан катталар ҳам тўқликка шўхлик қилишади. Инсофга келиб қолишар.

— Мен-ку қўлингиздаги чандик сабабини яхши биламан, — дейман бувимга, — кечкурун невараларингиз чуғурчуқдек жам бўлишади. Шунда зилзила, чандик, куймаган нонларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз. Увоқ тўқилса ердан олгиси келмайдиган Садир ҳам, «Бу қаттиқ, бу эски, юмшоғи қани?» деб танлайдиган Нодир ҳам нонни қандай улуғлаганингизни билиб қўйишин.

ҚОРА ТОЛ

Эрта баҳор томорқамизга бир қатор ток эдим.

— Яхши экибсан, барака топ. Энди, «Бир туп ток эксанг, икки туп ток эк!» деган гап бор. Баҳорнинг ҳар бир куни ганимат, — деди дадам.

Богимиз этагидаги тодан иккита йўғорроқ поясини кесиб, ҳар бирини тўртга бўлдим. Чуқурини кенгроқ қовлаб, ихлос қўйиб эккан толларимга қараб, хурсанд бўламан. Аммо кечкурун дадам келди-ю, юзларини мен кутган қувонч нури эмас, хафалик аломати қоплади.

— Оқ тодан экибсан-да, — деди жадл билан.

— Бу тол токка бўлмайди? — хайрон бўлиб сўрайман.

— Пояси ишком учун эгилмайди. Хиёл эгсанг, қарсиллаб синади. Токларни ёз бўйи опичлаб туришига тоқатим йўқ, дегани-да бу. Ҳали ҳам кеч эмас. Оқ толлар ўрнига қора тодан эк, болам. Поя берса, астойдил эгилиб хизмат қилади токларга. Камтар ишчига ўхшайди.

— Ҳўп, дадажон, — дедим-у оқ тол ёнидаги қора тол тағига бордим. Бир дам пояларига ҳавас билан тикилдим. Айниқса, дадамнинг камтар ишчига ўхшайди, деган ҳикматли сўзлари меҳримни унга улаган эди-да.

Фани АБДУЛЛАЕВ



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2981 нусхада босилади. Қорғо ёғилми А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Нашр учун масъул Д. Исроилов «Шер» нашриёт-матбوع акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.